

Йўлда қолар нафсим деган!



13:30 / 07.03.2019 5697

Буюк хулқ соҳиби

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чиройли хулқлари у зотни «энг севимли, энг суюкли» мақомларига чиқарди. Аллоҳ таоло бизга бу ҳақиқатнинг хабарини бериб, бундай марҳамат қилади: **«Албатта, сиз буюк хулқ узрасиз»** (Қалам сураси, 4-оят).

Мана шу васф сабаб Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам еру осмондаги барча яратилган махлуқотлар орасида ҳамма учун ўрнак ва Аллоҳнинг энг суюкли, энг муқарраб бандасига айландилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар сифатида бажарган энг муҳим вазифаларидан бири ҳам қиёматгача келадиган барча инсониятга Аллоҳ таолонинг ҳузурида энг мақбул, энг севимли, энг мукамал ахлоқ намунасини батамом кўрсатиб, ўргатишдан иборат бўлди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло биз бандаларига хабар бериб, шундай марҳамат қилади: **«Сизлар учун, Аллоҳдан ва охираат кунидан умдворлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнак бор эди»** (Аҳзоб сураси, 21-оят).

Исломи оламнинг етук намояндаси, юртимиздан етишиб чиққан фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ ушбу ояти кариманинг мазмунини жуда ҳам чиройли тарзда тафсир қилганлар:

«Ҳа, мўмин-мусулмонлар учун гўзал ўрнак манбаи маҳбуб Пайғамбарлари Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдир. У киши ҳар бир нарсада, ҳар бир сўзда, ҳар бир ишда мўминлар учун гўзал ўрнаклар. Оҳ, қани энди, ҳамма шу ўрнакнинг моҳиятини тушуниб етса! Расулуллоҳнинг гўзал ўрнак бўлган гап-сўзлари ҳаводан олинган нутқ эмас, Аллоҳдан тушган ваҳийдир. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг амри билан иш қилганлар. Ана шундай Аллоҳнинг амри билан амалга оширилган ишлар гўзал ўрнак бўлмай, бошқа қайси ишлар гўзал ўрнак бўлсин?! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аҳзоб урушида ҳам ўзларига хос энг гўзал ахлоқ намунасини кўрсатдилар. Хандақ қазиш ишларида ҳаммага ўрнак бўлдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ер қазири, тупроқ сураи ва замбил кўтарар эдилар. Оғир меҳнат енгилласин учун шеър ўқиган саҳобаи киромларга ўзларининг муборак овозлари билан жўр бўлар эдилар. Мусулмонлардан бирининг номи Жуъайл (қўнғиз) эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг исмини «Амр» деб ўзгартирдилар. Бундай хавфли пайтда хунук исмдан қутулиш кайфиятни кўтарар эди. Мусулмонлар бундан хурсанд бўлиб, исм ўзгарганини байтга солиб, баланд овоз билан айта бошлашди. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам байтнинг охирида уларга жўр бўлиб турдилар. Саҳобалардан Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу ёш бўлишига қарамай, тупроқ ташир эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кўриб: **«Қандоқ ҳам яхши бола экан-а?»** деб эркалатдилар. Иш давомида чарчаган Зайд ибн Собит хандақда ухлаб қолди. Шунда Аммора ибн Ҳазм унинг қуролини олиб қўйди. Уйғонгач, Зайд қуроли йўқлигини кўриб, қўрқиб кетди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳа, уйқучи, ухлаб ётганингда қуролинг кетиб қолибдими?»** деб ҳазил қилдилар. Сўнгра: **«Бу боланинг қуролини ким биледи?»** деб сўрадилар. Аммора: «Эй Аллоҳнинг Расули, у менда», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Унга қуролини қайтар»**, дедилар-да, кейин мусулмон кишининг ўзига билдирмай, бирор нарсасини олиб қўйиб қўрқитишдан қайтардилар. Буларнинг ҳаммаси мусулмонлар учун энг гўзал ўрнакдир. Шунинг учун ҳам ўзларидан кўра сон ва қурол жиҳатидан ғоятда устун бўлган аҳзоблар (душман гуруҳлари)ни кўрган мўминлар заррача қўрқишмади».

Оҳ, қани энди, ҳаммамиз ҳам шу ўрнакларнинг моҳиятини тушуниб етсак эди! Афсус ва минг афсуски, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсиятлари, инсоний фазилатлари моҳиятини, ҳақиқатини тушунмасдан умримиз ўтиб бормоқда. Аслиятдан шу даражада узоқлашиб кетганимиз боис аجدодларимиз ҳаёти тасвирлаган шамоил рисоалар билан

танишаётганимизда гўё эртак ўқиётгандек бўламиз. У ердаги гап-сўзлар ўзимиз ҳақиқат деб билган, аслида ҳақиқий истиқоматдан анча йироқ ҳаётимизга мос тушмагани боис, тафсилотларни ё қийинчилик билан қабул қиламиз ёки умуман қабул қилмай қўя қоламиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ояти карималарда ўзлари ҳақида баён этилган Аллоҳ таолонинг муқаддас каломини тасдиқлаб, бу борада: **«Мен гўзал ахлоқларни камолига етказиш учун юборилдим!»** , дедилар (*Имом Бухорий ривояти*). Имом Ғаззолий роҳимаҳуллоҳ «Иҳёи улумид-дин» асарларида катта тобеинлардан Ато ибн Абу Рабах роҳимаҳуллоҳнинг бир фикрини келтирган: «Ким ҳақиқий, улуғ мақомга эришган бўлса, фақатгина чиройли ахлоқи сабаблидир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мустасно бошқа ҳеч ким чиройли хулқда мутлақ камолотга етиб боролмаган. Шу сабабдан ҳам Аллоҳ наздида инсонларнинг энг севимли деб топилгани ўзининг гўзал ахлоқи билан ҳазрати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўл ва босган қадамларига изма-из эргашганлардир». Бу гап жуда ҳам тўғри ва айна ҳақиқатдир.

У бир илон, у бир ўлим, найранглари бўлим-бўлим...

Уламоларимиз инсон хулқини чиройли бўлишида энг биринчи нафс тарбиясига эътибор қаратиши лозим, дейишади. Лекин нафс масаласида гап очилгудек бўлса у жуда ҳам қисқа қилинади ё дарҳол у жойдан туриб кетилади ёки гап бошқа томонга бурилади, шу мавзудаги китоб шартта ёпилиб, жойига ташлаб қўйилади, интернетда эса бундай мақола ўқилмай, тезда ўтказиб юборилади. Умуман нафс борасидаги гап айрим Аллоҳ азиз қилган уламоларнинг хузурларидаги суҳбатлардан ташқари камдан-кам ҳолатлардагина узоқ давом этиб, маромига етказилади. Нега шундай? Бунинг сабабини ҳам умри давомида нафси билан курашиш натижасида Аллоҳнинг азиз бандалари мақомига кўтарилган муборак зотлар бундай изоҳлашади: «Бу каби мавзуларнинг малол келиш сабаби жуда ҳам оддий, тарбия топмаган нафс ҳеч қачон табиатига зид нарсани тан олмайди, бунга чидаб ҳам туrolмайди».

Бу айтилган гапни ҳар биримиз бевосита ўзимизнинг нафсимиз мисолида яхши биламиз. Нафснинг ҳийлакорлиги, тарбия топмасидан олдин унга яқинлашиш мутлақо амри маҳол экани, унинг табиатидаги бу қайсарлик инсонларда турли кўринишда аён бўлиши ҳам ўтган азизларимизнинг ҳаётлари тасвирланган адабиётларда батафсил баён этилган. Кўплаб Ислom олимлари инсонларга тушунарли бўлиши учун нафсни ҳаётда

мавжуд энг бадхулқ махлуқ, энг хунук ва ёқимсиз деб топилган нарсаларга ўхшатишган.

Масалан, Мавлоно Румий қуддиса сирраҳу «Маснавий»ларида нафсни бутларнинг онасига қиёслаб, бундай таърифлайдилар: «Нафс бутларнинг онасидир. Инсонлар ясайдиган бутлар илон бўлса, нафс аждаҳодир. Инсонлар ясаган бутларни синдириш мумкин, лекин нафс ўзидан учқун пайдо қилувчи чақмоққа ўхшайди. Бутлар учқун бўлса, нафс чақмоқдир. Учқунни сув билан ўчириш мумкин, лекин тош ва темир зарбидан пайдо бўладиган чақмоқни сув билан ўчириб бўлмайди...».

Нафсни заҳарли илонга ўхшатган буюк суфийлардан Нажмиддин Кубро қуддиса сирраҳу ҳам унинг кирдикорларини фош этиб, Аллоҳ йўлидаги солиқларни огоҳ этадилар: «Нафс ҳеч ўлмайдиган илондир. Афъо аталмиш заҳарли илон бунга яхши мисол бўла олади. Бу илон чопиб ташланса ҳам, боши кесилса ҳам, тўқмоқланса ёки териси бутунлай шилиниб олиниб, гўшти пиширилса ва ейилса ҳам, бир неча йил ўтганига қарамай, унинг терисига қуёш нури тегиши билан ҳаракатлана бошлайди. Нафс ҳам худди шундай. Ўлган нафсга ҳаво, шаҳват ва шайтонлик оташи хуруж этса, дарров жонланиб, ҳаракатга тушади».

Ислом тасаввуфининг машҳур намояндаси Юнус Эмро қуддиса сирраҳу ҳам тарбия топмаган нафсни энг манфур тарзда ифодалаган:

*Кел эй дўст, санга розим бор,
Ўйламаки, ғарозим бор,
Бу нафсдин эътирозим бор,
Нафсдир сани йўлдан қўйғон,
Расво бўлур уни суйғон.*

*Нафс ёмондур, нафс золим,
У бир илон, у бир ўлим,
Найранглари бўлим-бўлим,
Нафсдир сани йўлдан қўйғон,
Расво бўлур уни суйғон.*

*Бир ит каби тинмай хурур,
На сир билур, на-да сурур,
Ундин фақат Роббим қўрур,
Нафсдир сани йўлдан қўйғон,
Расво бўлур уни суйғон.*

Қадим мўътабар китобларимизда баён этилгани билан бугун истеъмолимиздаги мавжуд нафс тушунчаси орасида катта фарқ бор. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Бугунги кунга келиб нафс моҳияти саёз ва юзаки тушунтириладиган бўлиб кетди. Нафс деганда еб-ичишу ҳузур-ҳаловатдан нарига ўтилмайди. Нафс тарбияси ҳам худди шундай енгил тушуниладиган бўлиб қолдик.

Нафсига кун бермаган қутби замон...

Ислом тарихида Имом Шаароний деган муборак бир зот яшаб ўтган. Ҳижрий 898–973 йилларда Мисрда яшаб, Ислом динига жуда катта хизмат қилган бу зот, кўплаб забардаст шогирдлар етиштирган. Имом Шаароний олимнинг таҳаллуси бўлиб, асл насаби Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Зарка ибн Муса ибн Султон Аҳмад Тилмсон Ансорийдир. Бобоси Тилмсон ўлкасининг султони бўлган экан. Насаби силсила билан ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва ҳазрати Али розияллоҳу анҳуга бориб тақалади. Ислом дунёсида эса Имом Шаароний таҳаллуси ва «Қутби Шаароний» номлари билан шуҳрат қозонган. «Шаароний» бошида сочи бор дегани.

Имом Шаароний шайхул ислом Закариё Ансорий, Афзалуддин, Муҳаммад Мағрибий, Ҳасан Ироқий каби замонасининг етук Ислом олимларидан дарс олган. У дарс олган китобларини ёдлаб олар, фикҳ, ақойид, ҳадис илмларини пухта эгаллашга ҳаракат қиларди. Натижада шофеъий мазҳабининг етук фикҳ олими ва ҳадис илмида ҳам пешқадам бўлиб етишган. Айни пайтда замонасининг машҳур тасаввуф шайхи Алийюл Ҳаввос роҳимаҳуллоҳнинг энг яқин талабаси ҳисобланган. Яна ўша даврнинг кўплаб машҳур олим ва машойихлари хизматида юриб, уларнинг таважжужига ноил бўлиб, Аллоҳнинг авлиёси бўлган. Даврининг қутби даражасига етишган бу муборак зотнинг ақойид, фикҳ, ҳадис, тасаввуф ва бошқа мавзуларда уч юздан зиёд бир-биридан мукамал асарлар ёзгани қайд этилган. Айниқса, ҳар тўртта мазҳабни битта манбадан келиб чиқишини тушунтирган «Мезон-ул кубро» асари фикҳ олимлари орасида машҳур. Асри саодатдан то замонасигача яшаб ўтган тўрт юздан зиёд катта олим ва валийларнинг ҳоллари, кароматлари, сўзлари ёзилган «Табақот-ул кубро» асари эса аҳли тасаввуф орасида танилган.

Аллоҳ таоло Имом Шаароний роҳимаҳуллоҳга жуда катта эҳсонда бўлганини ўзлари ҳам тез-тез эслатиб турар экан. У кишининг жинларга ҳам дарс бергани китобларда баён этилади. Бир куни ҳузурига жинларнинг вакиллари ташриф буюриб, тавҳид билан боғлиқ етмиш бешта

савол беришади ва: «Эй, Шайхулислом! Бизнинг олимларимиз бу саволларга жавоб бера олишмади. Буларнинг ҳақиқатини фақатгина инсонларнинг олимлари билади экан», дейишади. Шу саволлар сабаб бўлиб Имом Шаароний «Кашфул ҳижоб варраан ан важҳи асилот-ил-жан» деган машҳур китобни таълиф этган.

Кунларнинг бирида Имом Шааронийдан бу йўлда қандай қилиб юқори даражаларга эришгани ҳақида сўрашганда у зот бундай жавоб беради: «Бу йўлда, аввало, устозларимга тўлиқ таслим бўлдим. Нима буюришса, ҳаммасини бажардим. Нафсим билан йиллар давомида мужоҳада қилдим. Унинг хоҳишига қарши чиқиб, уни тарбияладим. Танҳо қолган вақтларимда бўйнимдан ип ўтказиб хонамнинг шифтига боғлаб қўйиб, ибодат қилардим. Уйқу ғолиб келиб ухламоқчи бўлсам, бўйнимдаги ип бунга йўл бермасди. Ўзимни мажбурлаб ибодат қилардим. Шу тариқа нафсимни ўз ҳолига қўймай, хоҳламаган ишларини унга мажбуран қилдириб, уни тарбиялаб, йўлга солардим. Ҳаромдан қаттиқ қочганимдек мубоҳларнинг ҳам кўпини тарк қилдим. Ейишга ҳеч нарса қолмаганида ўт ердим ва ҳеч кимсадан бирор нарса сўрамасдим. Яхшилаб текширилмаган нарсани емасдим. Аллоҳнинг иродаси билан шу ҳолгача етиб келдимки, олдимдаги таомнинг қандайлигини емасдан олдин билардим. Агар таом ҳалол бўлса, гўзал ва хушбўй таъм, ҳаромдан таёрланган ёки шубҳали таомдан эса бадбўй ҳид келиб турарди. Лукмамга шу йўл билан эътибор қаратадиган бўлдим. Қўлимдан келгунича амр ва таъқиқларга амал қилишга интилдим. Аллоҳ менга ибодатларни завқ билан адо этиш неъматини эҳсон қилди. Қалб кўзим очилди...», (*Юсуф Набаҳоний, «Жомиъу кароматил авлиё», 2-жилд; «Мажмаъ-ул муаллифин», 6-жилд; «Шазарот-уз-заҳаб», 8-жилд; «Асмо-ул муаллифин», 1-жилд»; «Ал-Аълам», 4-жилд*).

Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ: «Агар нафсингни бирор фойдали юмуш билан банд қилиб қўймасанг, у сен билан шуғулланади», деб бежизга айтаманлар. Ҳа, жуда ҳам ҳайратланарли ҳаёт тарзи. Нафсимни тарбиялайман, Аллоҳнинг севган қули, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин уммати бўламан, иймон ҳақиқатию, ҳузур-ҳаловатини, фоний дунё моҳиятини тушуниб етмоқчиман деган инсон учун Аллоҳ азиз қилган бир бандасининг ҳаёт китоби етарли бўлади аслида. Ислом дунёсида Аллоҳ азизу мукаррам қилган бундай бахтиёр инсонлар жуда ҳам кўп. Имом Шаароний роҳимаҳуллоҳ худди шундай муборак зотларга ишора қилиб «Мезон-ул кубро» китобларида шундай сатрларни ёзадилар:

“Суннат, яъни ҳадиси шарифлар Қуръони каримни очиб бермоқда. Мазҳаб имомлари суннатни очиб бермоқдалар. Дин олимлари эса мазҳаб имомлари сўзларини очиб бермоқдалар. Бу қиёматгача шундай кетади. Дин имомларининг ҳеч бир сўзи Исломдан ташқарида эмас. Чунки уларнинг ҳар бири ҳам шариат, ҳам ҳақиқат олимидилар”.

Агар юқоридаги Имом Шаароний ҳазратнинг нафс тарбияси ҳақидаги сатрларини оддий назар билан ўқисак, ҳеч нарса ололмаслигимиз, бу гапларни ақлимиз қабул қилмаслиги, аксинча, унга ишонқирамаслигимиз аниқ. Қабул қилган тақдиримизда ҳам жуда оғир шартлар билан оламиз.

Бугунги виртуал дунё биринчи ўринга чиққан йигирма биринчи асрда ҳамма билганини тап тортмай гапираверадиган, битта-иккита китоб ўқиб, ўзини дин олими деб ижтимоий тармоқларда шайхлик даъвосини қилиб, бошқаларнинг бошини айлантириб юрган киши учун бу гаплар ғалати, ҳақиқатдан йироқ бўлиб кўриниши табиий ҳол. Муаммо ҳаётда худди шундай тарзда яшаб ўтиб кетган табаррук зотларни тушуна олмаётган биздами ёки қайсидир бир даврларда, қандайдир шарт-шароитларда яшаб, бутун инсониятга ўрнак бўлган бу азизларнинг шахсиятидами?

Афсус билан айтишимиз мумкинки, бу масала, яъни уларни тушуна олмакликдаги биринчи муаммо фақат бизда. Ҳозирда мавжуд тушунчалар билан аввалги Ислом уламолари томонидан ёзиб қолдирилган нафс ҳақидаги қарашларни умуман англаб ҳам, идрок этиб ҳам бўлмайди. Лекин шу нарса ҳақиқатки, Қуръони Карим, ҳадиси шарифларда зикри келган ва Ислом оламининг машҳур уламолари томонидан баён этилган нафснинг асл моҳиятини ўрганмай, билмай, ҳаётга тадбиқ этмай туриб ҳеч қачон нафсимизни таний олмаймиз. Бу йўл ҳар қанча қийин, юки ҳар қанча оғир бўлмасин, шу оғир юкни зиммамизга олиб, қадамба-қадам азизларимиз йўлидан юришга мажбурмиз.

Гапни шу ерда мухтасар қилиб, “Тазкия рукни” остида бериладиган мақолаларимиз орқали Ислом дунёсининг буюк машойихлари асарлари асосида, ҳаётий тажрибалари мисолида нафсимизнинг асл моҳиятини тушунишга, унинг мартабаларини яқиндан билишга, залолатга бошловчи ботиний иллатларимизни яхшилаб ўрганиб, уларни бартараф этиш чораларини топишга ҳаракат қиламиз.

Бу йўлда Аллоҳ таолонинг Ўзидан ёрдам сўраб қоламиз.

(давоми бор)

